

ПРЕСС-РЕЛИЗ

Мустақиллик йилларида юртимизда Фуқаро муҳофазасини таъминлаш, аҳоли ва худудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралиб, бу борада изчил ислохотлар амалга ошириб келинмоқда.

Шунингдек, аҳолини фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш, уларнинг бу борадаги билим-малакаларини мустаҳкамлаш, куч ва воситаларнинг доимий шайлигини ошириш борасида олиб борилаётган тадбирларни алоҳида такидлаб ўтиш лозим.

Кўп йиллик тажрибалардан маълумки **мураккаб вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш талофатлардан омон чиқишнинг ягона йўли**, шундай экан, аҳолини фавқулодда вазиятларга тайёрлаш ишини, аввало, ёш авлодга таълим-тарбия бериш тизимидан бошлаш – кутилган самарани олишга имкон яратади. Халқимизда бир гап бор, **“Ёшликда олинган билим – тошга ўйилган нақш”** дир болаларимиз фавқулодда вазиятлар ва улар содир бўлганда тўғри ҳаракатланишга оид билим-малакаларни изчил сингдирар эканмиз, улар бу каби вазиятларга ҳам руҳан, ҳам жисмонан шай ҳолда вояга етадилар.

Бугунги ўтказилаётган “Ёш қутқарувчи” кўнгиллилар клублари фаолиятини ташкил этиш” бўйича ўқув семинар ҳам ана шундай эзгу мақсадларимизни ўзида мужассам этади.

Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, **“Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт”**.

Сирдарё вилоятида “Ёш қутқарувчи” кўнгиллилар клублари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 19 июль кундаги “Аҳолини зилзилалар оқибатида юзага келган фавқулодда вазиятларда (табиий ва техноген тусдаги) ҳаракат қилишга тайёрлаш комплекс дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 208-сонли ва шу мазмундаги Сирдарё вилояти ҳокимининг 2011 йил 24 июлдаги 188-сонли қарорлари ҳамда мазкур Қарорлар билан тасдиқланган устувор тадбирларни амалга ошириш Дастури асосида ташкил этилиб, бугунги кунда ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Устувор тадбирларни амалга ошириш Дастурида:

аҳолининг барча қатламларини зилзилалар оқибатида юзага келган фавқулодда вазиятларда (табиий ва техноген тусдаги) ҳаракат қилишга тайёрлаш тизимини самарадорлигини ошириш;

аҳолини ўқитиш билан қамраб олишни кенгайтириш;

кўнгилли қутқарув дружиналари тузиш ва улар фаолиятини ташкил этиш;

зилзила оқибатларини сейсмик хавфи даражасини камайтириш;

аҳолига юзага келаётган сейсмик вазиятни баҳолаш кўникмаларини сингдириш ва зилзила пайтида мутаносиб тарзда ҳаракат қилиш учун шарт-шароитларни таъминлаш;

таълим муассасаларининг ўқувчилари ва талабаларини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлашнинг комплекс тизимини ишлаб чиқиш – асосий вазифа этиб белгиланган.

Мазкур қарорлар ижросини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси “Камолот” Ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши, Фавқулодда вазиятлар, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларини **“Ёш қутқарувчи” кўнгиллилар клубларини тузиш ва мазкур клублар ўртасида “Ёш қутқарувчи” мусобақасини ўтказиш тўғрисида”ги Қарори** билан мусобақа ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланган. Мазкур Низом асосида “Ёш қутқарувчи” кўнгиллилар клублари фаолиятини доимийлигини таъминлаш, ёшларимизни ўзига бўлган ишончини тоблаб олиш ҳамда амалий ва назарий билимларини синовдан ўтказиш мақсадида, умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими муассасаларида ташкил этилган “Ёш қутқарувчи” кўнгиллилар клублари ўртасида мусобақанинг шахар, туман ва вилоят босқичлари мунтазам равишда ўтказилиб келинмоқда

Ушбу мусобақаларнинг мақсади:

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан “Ёш кутқарувчилар” болалар мусобақасида иштирок этувчи ёшларни жисмонан бақувват, рухан соғлом, кучли ирода ва матонатлилиқ руҳида тарбиялаш, шунингдек улар онгида фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилишга оид тушунча, билим ва кўникмаларни шакллантириш.

-Фавқулодда вазиятлар содир бўлганда инсонларни кутқариш бўйича таълим муссасаси ўқувчиларининг амалий кўникмаларини шакллантириш.

Мусобақа меҳмонлари:

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирининг биринчи ўринбосари- штаб бошлиғи полковник К.Арипов

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги бўлим бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси “ Камолот” ЁИХ кенгаши вакили

Мусобақа қатнашчилари:

Гулистон шаҳрининг 6,7,8,15- умумтаълим мактабларининг “Ёш кутқарувчи” кўнгилли клублари;

Гулистон шаҳар тиббиёт коллежи, Гулистон шаҳар 1- академик лицейи, Янгиер тиббиёт коллежи, Мирзаобод ижтимоий-иқтисодий касб-хунар коллежлари “Ёш кутқарувчи” кўнгилли клублари.

“Ёш кутқарувчи” кўнгиллилар клублари ўртасида ўтказиладиган мусобақа шартлари ва баҳолаш мезонлари.

Мусобақа беш шарт асосида ўтказилади.

Мусобақанинг биринчи шартида, гуруҳларга бештадан Фавқулодда вазиятлар борасида умумий саволлар берилади ва беш баллик тизимда баҳоланади.(Назарий).

Саволлар:

1. Фавқулодда вазиятга тариф беринг.
2. Фавқулодда вазият турларини айтинг.
- 3.Техноген тусдаги Фавқулодда вазиятга тариф беринг (мисоллар келтиринг).
4. Табиий тусдаги Фавқулодда вазиятга тариф беринг (мисоллар келтиринг).
5. Селга тариф беринг. Сел келиши сабаблари. Сел келганда аҳолининг ҳаракатлари.
6. Қор кўчкиси тариф беринг. Қор кўчкиси пайдо бўлиш сабаблари. Қор кўчкисида қолганингизда сизнинг ҳаракатингиз.
7. Ер кўчкисига тариф беринг. Ер кўчкиси пайдо бўлиш сабаблари. Ер кўчкиси содир бўлганда сизнинг ҳаракатингиз.
8. Зилзилага тариф беринг. Зилзила бўлганда сизнинг ҳаракатингиз.
9. Қутқарувчи бу - ?
- 10.Қутқарув ишлари бу-?

Мусобақанинг иккинчи шартида, жабрланувчига тезкор тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича учта амалий саволлар берилади ва гуруҳ томонидан бажарилиши текширилади. Ҳаракатлар 10 баллик тизимда баҳоланади.

Саволлар: қон тўхтатиш (жгут қўйиш), синган жойларга шина қўйиш (оёқ ва қўл қисмига), бошга боғлам қўйиш, тана куйганда биринчи ёрдам кўрсатиш, чўккан одамга биринчи ёрдам кўрсатиш, жабирланувчига сунъий нафас бериш, ис ёки табиий газидан захарланганда биринчи ёрдам кўрсатиш.

Мусобақанинг учинчи шартида, дарёдан арқонлар ёрдамида ўтиш (переправа), ҳамда белгиланган вақтда палатка ёйиш машини бажариш. Ушбу шарт 10 баллик тизимда баҳоланади.

Мусобақанинг тўртинчи шартида, гуруҳ иштирокчилари ўн турдаги (восьмёрка, стремя, прямой, австрийский проводник (срединный), булинь, академический, схватывающий прусик, грепвайн, узел повышенной прочности) арқон боғлаш усулларини, қутқарув анжомларидан қандай ҳолатларда ва усулларда фойдаланиш зарурлигини, ўз-ўзини сақлаш тизимларини қийиш, арқон ёрдамида юқорига (жумар ёрдамида) кўтарилиш ва 6 метрдан баландликдан пастга тушиш машқларини амалда бажарилишини намоёйиш этадилар. Ушбу шарт 15 баллик тизимда баҳолади.

Мусобақанинг бешинчи шартида гуруҳлар ўртасида 60 метрга тўсиқлар оша эстафетали югуриш.

Ушбу шартларда аниқлик ва тезкорлик билан ҳаракат қилган ҳамда шартларни тўлиқ бажарган гуруҳ мусобақа ғолиби ҳисобланади.

Эслатма. Шартлардаги ҳар бир саволни гуруҳ ичида муҳокама қилиш учун 2 ва жавоб учун 3 дақиқа, жами 5 дақиқа вақт ажратилади. Гуруҳлар ўртасида дуранг натижа қайд этилган ҳолда, ҳакамлар томонидан қўшимча саволлар берилади.

Гуруҳ, 1та гуруҳ мураббийи, 6та асосий таркибдаги қутқарувчилар ва 2та заҳира қутқарувчидан иборат бўлади.

Ҳар бир гуруҳда қуйидагилар бўлиши шарт:

қутқарув асбоб-анжомлари;

қутқарувчи химоя каскаси;

химоя қўлқоблари;

карабин муфтали, жумар, блок ролик (битталиқ);

гуруҳ иштирокчиларининг устки кийим-боши, мавсумий бир-хил турдаги махсус кийим ёки спорт формасидан иборат бўлиши шарт.

Шартларни бажаришда баҳолаш тартиби қуйидагича:

нотўғри берилган жавоб ва машқ учун балл берилмайди;

саволга тўлиқ жавоб бермаганлиги учун, ҳар бир савол учун белгиланган баллга 0,5% жарима солинади;

машқ бажариш давомида белгиланган вақтдан чиқиб кетганлик учун, тўлиқ бажарилмаган машқ (ҳаракат) учун 0.5 балл жарима солинади;

ҳар бир нотўғри бажарилган ҳаракат учун 0.2 балл жарима солинади;

гуруҳ мураббийи ва командири томонидан нотўғри қарор қабул қилинганлиги учун 0.5 балл жарима солинади;

техника ва бошқа хавфсизлик қоидаларига риоя қилинмаганлик учун 1 балл жарима солинади;

мусобақа (шарт) жараёнида бошқа гуруҳ аъзолари, ҳакамларга ва бошқаларга нисбатан беҳурматсизлик қилганлик, одоб-ахлоқ қоидаларини бузганлик учун 2 балл жарима солинади.